

Хуқуқий тарғибот Сайлов жараёнида фаол иштирокни таъминлайди



3-бет

30 ёшида туғилганлик гувоҳномаси олди

4-бет



Пинҳона уланган тармоқ охири-оқибат фош этилди

7-бет



Тилимизни таназзулдан асрайлик!

8-бет



# ИНСОН ҚОНУН ва



**Хуқуқий мадад**

ҳаммага,  
ҳар доим,  
ҳамма жойда!

3-бет

12 ноябрь 2019 йил / № 45 (1197) [www.insonvaqonun.uz](http://www.insonvaqonun.uz) [insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



## МАЙДА

## КОРРУПЦИЯ


БИЗГА маълумки, йирик коррупциялар аҳолининг кўплаб қатламлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фаоллар, оммавий ахборот воситаларининг эътиборини жалб этади ҳамда йирик миқдордаги коррупцияларга қарши курашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам янада кучайтирилади. Худди шу жараёнда йирик коррупциядан фарқ қилган ҳолда ҳар куни содир этиладиган ҳамда кичик миқдорни ташкил этадиган "майда" коррупция тушунчаси шаклланади.

"Майда" коррупция, асосан, шифохоналар, таълим муассасалари, солиқ идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда содир этилиб, юридик ва жисмоний шахсларга қонунда белгиланган талабларни четлаб ўтишга ёрдам беради. Аста-секин ушбу коррупция тури юқори даражадаги кенг миқёсли коррупциянинг янада хавфли шакллариغا айланиб боради. Коррупциянинг ушбу тури мамлакатда унинг барча даражалари мавжудлигидан далolat беради. "Майда" коррупция қаерда тугаши ва ва йирик коррупция нимадан бошланиши чегараси ўртасида аниқ тўхтамлар мавжуд эмас.

Йирик коррупцияга қаратилган эътибор "майда" коррупцияларга қарши курашни бир мунча пасайтириши мумкин. Мазкур ҳолат эса бизни "майда" коррупциялар таъсирини тўғри баҳолашга ундайди.

5-бет

ЖУДА болажон халқимиз. Шунинг учун ҳам қаровсиз қолган болалар ҳақида гап кетганда, улар қаердан пайдо бўлди, деган эътирозга дуч келишимиз аниқ. Ахир, миллатимизнинг энг улуғ қадриятларидан бири ҳам ана шу меҳрибонлик ва болажонлик-ку, дейдиганлар ҳақ!



## БИЗ УЛАРНИ КИМГА ИШОНАЯПМИЗ?

2-бет

Танловда  
**ҲАММА  
ҒОЛИБ**



8-бет



**ЖУДА** болажон халқмиз. Шунинг учун ҳам қаровсиз қолган болалар ҳақида гап кетганда, улар қаердан пайдо бўлди, деган эътирозга дуч келишимиз аниқ. Ахир, миллатимизнинг энг улуғ қадриятларидан бири ҳам ана шу меҳрибонлик ва болажонлик-ку, дейдиганлар ҳақ! Тўғри, дилбандларимизнинг пар ёстиқларда ухлаши, эғнида ипакдан кийим кийиши учун жонимизни жабборга бериб ишлаймиз. Уларни ҳар турли кўнгилсизликлару хатарлардан асраш, муаммолардан ҳимоя қилиш учун керак бўлса тоғдек қалқон бўлиб туришга қодирмиз! Аммо бу дунёни дунда бахт бор экан, бахтсизлик ҳам бор, қувонч бор экан қайғу ҳам ёнма-ён.



Маруса ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қонун"  
муҳбири

Тўғри, давлатимиз ота ёки онасидан айрилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун кўрсатаётган гамхўрликларнинг чеки-чегараси йўқ. 1997 йилда Тошкентда ташкил этилган SOS Kinderdorf болалар қишлоғи, Самарқанддаги болалар маҳалласи, Зарафшондаги болалар шаҳарчаси, 20 дан ортиқ "Меҳрибонлик уйлари", махсус мактаб-интернатлар, оилавий болалар уйлари, хуллас, болаларнинг қаровсиз қолишига имкон қадар йўл қўймаслик чоралари кўрилган.

### ҲАМ ОТА, ҲАМ ОНА, ҲАМ ЭНАГАМИЗ

Шундай муассасалардан бири Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси қошидаги Вояга етмаганларга ижтимоий хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази эътиборсизлик оқибатида оиласидан меҳр топмаган, ҳаёт сўқмоқларида йўлдан эмас, кўнгилдан, яхшиликдан адашган болаларни ижтимоий хуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган. 25 ўринли мазкур марказнинг ташкил этилганига ҳадемай ўн йил бўлади. Дастлаб 2010 йилда 137 нафар қаровсиз бола қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу ерга келтирилган болалар сони 186 нафарни ташкил этди. Ҳар йили шунчадан рақамларни ҳисобга оладиган ва бу рақамларни бутун республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан ташкил этилган марказлар билан қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, қаровсиз, эътиборсиз болалар сони анчалигидан ташвишга тушишимиз аниқ.

Чунки бу ерга болалар шунчаки адашиб, йўлини йўқотиб келмайди. Уларнинг кўпчилигида гарчи уларнинг шахсий варақасига ёмон, деган ҳеч қандай ёрлиқ ёпиштирилма-са-да, "сурункали ичиш, чекиш, ахлоқсиз", деган тамғалар ҳам бор. Яна бир тоифа болалар ҳали гўдак, ҳимояга муҳтож. Улар орасида ўз ота-онасидан ҳимоя қилишга тўғри келадиганлари ҳам бор. Мана бу кўзлари мунчоқдек 4 ёшли қизалоқни эса мунтазам уриб, қўлларини, оёғини синдириб дўппослаб юрган, агар марказ ходимлари

профлактика тадбири давомида аниқламаганида ўлдириб қўйиши ҳам мумкин бўлган она, деган "зот" нинг ҳаёлида нима-лар борлиги судда уни оналик хуқуқидан маҳрум қилишганида ҳам аён бўлмади. Ўғай ота эса ҳамон томошабин.

Марказга шу кеча-кундузда тунги чилимхонадан маст-аласт ҳолда келтирилган ўн етти ёшли қиз ҳам ўзбекининг боласи эканлигидан уялиб кетдик. Отаси вафот этгандан сўнг онаси бошқа турмуш қургач, оила муҳити бузилган. Қиз қаровсиз қолган, кўнглига келганини қиладиган дарража етган. Енгилтақлик кўчаларига кириб, тўғри йўлдан адашган қизни энди ўз уйига қайтариш орқали тарбиялаб бўлмайди, шунинг учун ҳам уни суд ажрими билан Чиноз туманидаги махсус мактабга юбориш кўзда тутилган.

— Муассасага 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ота-она, мактаб ва маҳалла назоратидан четда қолган, хуқуқий ёмон, бебош йигит-қизлар билан бирга ота ёки онасидан жабр кўрган болалар ҳам қабул қилинади. — дейди марказ инспектори Шухрат Нуримов. — Бу ерга келтирилган болалар, аввало, тиббий кўриқдан ўтказилади, психолог тавсиялари берилади. Бепул овқат, барча қўлайликларга эга бўлган ётоқхона. Биз 10 нафар ходим болаларга ҳам ота, ҳам она, ҳам энагамиз. Бир ой ичида марказимизга қабул қилинган болаларнинг манзили ва ота-онаси аниқланиб, фарзандларини уйга қайтариш чоралари кўрилади. Улар орасида уйига қайтарилмайдиган болалар ҳам бор. Масалан, калтаклаш оқибатида қаттиқ тан жароҳати олган тўрт ёшли қизча зудлик билан Кармана туманидаги шифохонага ётқизибли, керакли муолажалар қабул қилинди, соғлиғи тиклангач, марказимизга олиб келинди. Онасига жиноий иш очилди. Энди унинг болада ҳаққи йўқ. Қизалоқ бундан буён Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"-да тарбияланади. Чилимхонадан келтирилган қизларни ҳам онаси тарбиялаши қийин. Улар эса махсус мактабга жойлаштирилади. Ҳамма гап оила муҳити, оиладаги тарбияда. Болаларнинг ёмон йўлларга кириб ке-

тишига 96 фоиз оилавий муҳит сабаб бўлаётганлигини бугун очик-ойдин айтиш керак.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимиз қаровсиз, назоратсиз, эътиборсиз қолдирилса, қутилмаган хавф-хатарга, бахтсизликка, фожияларга дуч келиши аниқ. Шунча эътиборга қарамасдан ҳамон қаровсиз қолган болалар кўпаяётганлиги бу масалага жиддий ёндашиш кераклигини тақозо қилади. Иқтисодий ночорлик, ишсизлик, миграция ва оилавий ажримларнинг ошиб бораётганлиги тўғрисида қаровсиз болалар сони кўпаяётганлиги аниқ. Бу ҳолатларнинг оғир асоратлари тўғрисида минглаб мисолларни келтириш мумкин.

### ҚИЗНИНГ ЮЗИНИ ҚОРА ҚИЛГАН "КЎЧА"ЛАР

Бу воқеа 5-6 йил аввал Навоий шаҳрида бўлганди. Ҳаммаси оиланинг бузилиши ва эр-хотин ажрашгач, ўртадаги қиз фарзанднинг онаси билан қолишидан, бирор бир касби-корга эга бўлмаган аёлнинг ишсизлигини рўқач қилиб, вояга етмаган қизини кўз қорачиғидек асраш ўрнига, ётоқхонада ёлғиз қолдириб, ўзга юртга чиқиб кетишидан бошланган.

Авваллари оила барбод бўлса, оналар ўзи емай боласига едирар, ўзи киймай боласига кийдирар, қиз бола бўлса, гард юкмасин деб, уни еру кўкка ишонмай асрар, ўғил бола бўлса, ёмонларнинг шамолидан ҳимоя қиларди. Бугун эса турмуши бузилган аёлларда оила назорати йўқлиги тўғрисида жуда оғир асоратлар, ечимсиз муаммолар келиб чиқаётган барчага аён. Онаси четга кетиб, ўзига хон қизча ҳаққидан ортиқ эркин бўлиб олди. Юзни қора қилувчи бу кўчалардан қайт, дегувчиларга қулоқ солмади. Касб-хунар коллежида ўқиётган ўқувчи қиз тўғри йўлдан адашди. Ўзи билан бирга ўқийдиган бебош тенгдоши билан "аҳду паймон" қилди. Кўнни-қўшни, маҳалладагиларнинг на ўғити, на панду насиҳатларини бир тийинга олмаган ёшлар оила қурмасдан никоҳсиз фарзанд кўриш оstonасига яқинлашиб қолди. Маҳалла оқсоқоли ва фаолларнинг ёрдамида тўй-томоша билан оила никоҳдан

ўтказилди. Аммо орадан ҳеч вақт ўтмасдан она сути оғзидан кетмаган ёш ота-онанинг жанжали ён-атрофдагиларнинг тинчини буза бошлади. Тўғилган чақалоқ ҳам уларга сабр-тоқат, меҳр-шафқат, деган туйғуларни инъом этолмади. Маҳалла уларни оталиққа олди, қанча ёрдам керак бўлса берди, аммо бола жамиятга қўшилди. Ўзга юртларда ишлаб юрган онани бу савдолар қизиқтирмагани, ташвишлантормагани аниқ. Ота эса аллақачон янги оиласи ташвиши билан банд. Қаровсиз қизнинг қаровсиз боласи эътибор ва ахлоқ нормаларидан узоқ муҳитда улғая бошлади...

### МАЪЮС НИГОҲЛАР

Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"даги тадбирлардан бирида чиройли ўйин-кулгуларга қарамасдан бир ширин болакай маъюс ўтирарди. Директордан бу боланинг нега кўзлари ёшли, деб сўрашга мажбур бўлдик. Бир юз ўн тўрт болага ўз боласидек меҳр улашадиган, ҳар бир тарбияланувчининг кўзига қараб дилидагини ўқиб оладиган ёшлар мураббийси бир хўрсиниб, "Бу ерга келганига энди беш кун бўлди, ҳеч кимга қўшилмайди, ўрганолмаяпти, онасини соғинаяпти", дея изох берди. Ўн етти ёшида шаръий никоҳ билан дунёга келган боласини боқиб тарбиялаш ўрнига, оиласиз яна саёқ юриб, иккинчи отасиз фарзанди тўғилгач, бу болани "Меҳрибонлик уйи"га топширган, фарзандидан кечган қизнинг хатоси жабрини шу мунисгина болажон тортаётганлигига ачинди. Яна бир алам қиладиган томони бу ердаги болаларнинг аксарияти ота-онаси бор ўғил-қизлар. Қимматбаҳо машиналарга юрадиган айрим бадавлат оталар ҳам бир йилда бир марта "Меҳрибонлик уйи"

зшигидан фарзандини сўраб келмайди. Гумашталари билан кафема-кафе зиёфатдан бўшамайдиган баъзи бемехр оналар эса боласига бир дона конфетни раво кўрмайди. Болалар эса уларни соғиниб, йўлга термулгани термулган...

### ОТА-ОНА МАЖБУРИЯТИ ҚОҒОЗДА ҚОЛАВЕРАДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради", дейилган.

Бош Қонунимиз билан ота-оналарга юклатилган бу мажбурият нега бажарилмаяпти? Аниқроғи, бу мажбуриятни бажаришни ота-оналардан нега талаб қилишга эътиборсизлик қилинмоқда? Мабодо, ўз болангизни бирор чет давлатга олиб чиқмоқчи бўлсангиз, агар онаси олиб кетадиган бўлса, албатта, отасидан розилик хати, мажбуриятлар зикр этилган хатларни нотариали идоралардан тасдиқланган ҳолда топширилиши шарт. Аммо нега энди Конституциямизда алоҳида боб қилиб киритилган 64-модданинг бажарилмаётганлиги ҳеч кимни ташвишлантормайди. Вояга етмаган болаларни бососига, бувисига, аммасиго холасига, тоғасига, ҳатто кўшнисига шунчаки қолдириб, ўзлари чет давлатларга чиқиб кетаётган ота-оналар вақт ўтиб, боласининг издан чиққан тақдирини, барбод бўлган ҳаёти, елларга соврилган орзулари, хазон бўлган гўлдек умри учун кимдан жавоб сўрайди? Виджониданми, болани шунчаки ташлаб кетган қариндошларданми, кимдан?..

Шунинг учун болага ота-она масъул ва жавобгар, деган сўзларни шунчаки оддий ибора, деб қарамаслик, унинг замирида инсон тақдирини, миллат тақдирини, келажак тақдирини борлигини унутмаслик лозим.

Шундай экан, четга чиқиб кетаётган ота-оналар, аввало, вояга етмаган ўз фарзандини ҳеч кимга ташлаб кетмаслиги, бу ҳаёт, албатта, зарурат бўлганда эса, кимга ишониб топшириб кетаётганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тайёрлаб, маҳалла, мактабни хабардор қилиб кетишни йўлга қўйиш, талаб қилиш вақти келмадими? Сиз нима дейсиз?!





ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2019 йилнинг 25 июнида “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Сайлов кодекси Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилайди. Мазкур сайловларни ўтказиш тартиби илгари алоҳида-алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган эди.

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Сайлов жараёнида фаол иштирокни таъминлайди



Янги Сайлов кодексига мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилади. Илгари 135 та округ тузилган ва 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган. Эндиликда Ўзбекистон экологик партияси ташкил этилганлиги боис, мазкур партия депутатликка ўз номзодларини умумий сайловларга қўйган ҳолда Қонунчилик палатасидан ўрин эгаллаши мумкин. Шунингдек, эндиликда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилади.

Унга кўра, сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг рўйхати тўғрисидаги ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга 15 кун қолганида, чет давлатлардаги ваколатхоналарда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга 7 кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

Президент сайлови, қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари туғайдан камида 3 ой олдин эълон қилинади.

Президент 5 йил муддатга сайланади ва бир шахс сурункасига 2 муддатдан ортиқ Президент бўлиши мумкин эмас. 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, сайловга камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаро Президент этиб сайланиши мумкин.

Президент сайловидида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида 75 кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади 45 кун қолганида тугайди.

Президент сайлов натижалари эълон қилинган кундан кечи билан 2 ойда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қилган пайтдан эътиборан ўз лавозимига киришади.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрса-

тилади. Улар 5 йилга сайланиб, 150 депутатдан иборат бўлади.

Депутатлар ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади.

Номзодлар сайлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бўлиши лозим.

Депутат этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Қонунчилик палатаси депутати мақомига эга бўлади.

Худди шунингдек, Маҳаллий Кенгашларга сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга ўтказилади.

Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Президент сайлови, Олий Мажлисга сайлов яқунларига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай қабул қилинади ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Маҳаллий Кенгашга ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги қарор тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилинади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва қонунчиликдаги янгиларни ижро қилар ва аҳолининг кенг қатламга етказиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида, идора ва ташкилотларда, шунингдек, уйма-уй юрган ҳолда 70 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Урганч шаҳрида жойлашган “Амир Тимур” истироҳат боғида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган “Ҳуқуқий билимлар кунини” флешмоби доирасида тадбир ҳамда “Сайлов ҳуқуқшуноси” каби ҳуқуқий виқториналар ташкил этилди.

**Ойбек МАШАРИПОВ,**  
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи




## ҲУҚУҚИЙ МАДАД

— ҳаммага,  
ҳар доим,  
ҳамма жойда!

ЖОРИЙ йилнинг 6 ноябрь кунини “Мадад” муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг Тошкент шаҳрида биринчи туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси офиси очилди. Ушбу бюро Давлат хизматлари марказининг Чилонзор туманида фойдаланишга топширилган янги биносидида иш бошламоқда. Мақсад, аҳолига ҳуқуқий масалалар бўйича бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиб, халққа хизмат қилишдир.

“Ҳуқуқий мадад — ҳаммага, ҳар доим, ҳамма жойда!” — “Ҳуқуқий маслаҳат — бепул, тезкор, ҳаммага!” каби шиорлар остида хизмат кўрсатувчи бюро алоҳида бўлинма ҳисобланади ҳамда аҳолига беғараз ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар кўрсатиш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашади.



### ✓ БЮРОНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

- фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ошириб бориш ишларига кўнгилларни сафарбар этиш;
- фуқаролар томонидан ҳуқуқий маслаҳат беришга оид сўровларни таҳлил қилиб бориш, таҳлил натижасига кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда инновацион усулларни татбиқ этиш.

### ✓ БЮРО ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ИШЛАЙДИ?

Бюро бош мутахассиси фуқароларнинг мурожаатлари билан қуйидаги тартибда ишлайди.

#### Бюро бош мутахассиси томонидан:

- фуқаролар ҳафтанинг душанба кунидан жума кунигача соат 09:00 дан 18:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти) қабул қилинади;
- қабулга келган фуқароларнинг мурожаатлари бўйича реал вақт режимида ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилади;
- қабулга келган фуқаролар ва уларнинг мурожаатларга оид тегишли маълумотлар электрон дастурга киритилади;
- ёзма мурожаатлар билан келган фуқароларга, уларнинг мурожаатларини электрон тарзда “Advice.uz” (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали орқали онлайн режимда мутахассисларга юбориш тартиби тушунтирилади;
- тегишли ҳужжат лойиҳаларини ёзма равишда тайёрлашга амалий ёрдам сўраган фуқароларга, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжат намуналарини тўлдириб тартиби тушунтирилади.

Бюро бош мутахассиси қабулига келган бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини бузмаслик мақсадида, ҳар бир фуқарога, уларнинг мурожаатлари бўйича 5 дақиқадан 15 дақиқача вақт ажратилади. Қўшимча тушунтиришни талаб этадиган мурожаатларга 30 дақиқача вақт ажратилиши мумкин.

**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими





## Қулайлик: хизмат ходими ҳам баҳоланади

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда давлат хизматлари марказларининг янги ва ҳар томонлама қулай бинолари фойдаланишга топширилиб келинмоқда. Ана шундай янги қиёфадаги давлат хизматлари марказларининг навбатдагиси Чилонзор туманида жойлашган бўлиб, у пойтахтимизда фойдаланишга топширилаётган замонавий давлат хизматлари марказларининг биринчиси саналади. Айти пайтда яна 8 та Давлат хизматлари маркази қурилиши бошлаб юборилган.

Бино қурилишида унинг бугунги кун жаҳон талабларига мос келиши ва хизмат олувчиларга барча зарур шарт-шароитлар мавжудлигига алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, бир вақтнинг ўзиде мурожаатчиларга 100 дан ортиқ хизмат кўрсатиш имкони яратилган мазкур бинода электрон навбат, инфокиоск, кутиш ва тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, болалар майдончаси, кафе, кутубхона, электрон хизматлардан фойдаланиш майдончалари мавжуд.

Марказда ташкил этилган синов тариқасидаги махсус платформа ёрдамида хизмат олувчилар хизмат кўрсатиш жараёни ва хизмат кўрсатган ходимни баҳолаши мумкин бўлади. Бу эса Агентлик ва фуқаролар ўртасида ўзаро алоқани ўрнатишга замин яратади. Юқоридаги барча жараёнлар бизнес таҳлил (BI-Business intelligence) ёрдамида Агентлик масъул ходимлари томонидан мониторинг қилиб борилади. Бундан ташқари, фуқароларнинг

фикр-мулоҳазаларини инobatга олган ҳолда, давлат хизматларини олиш учун электрон рақамли имзо сўралмайди. Мазкур марказда синов тариқасида махсус электрон имзо мосламаси мавжуд. Муҳими, энди банк кассаларида навбатда туришга ҳам ҳолат қолмайди. Банк карточкаси мавжуд бўлган хизмат олувчилар давлат божлари ва бошқа тўловларни ўрнатилган POS-терминал ҳамда Pay Me GO тизими орқали тўлаш имкони яратилган.

Бир сўз билан айтганда, янги очилган замонавий бинода Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, нотаариус хонаси кабилар ҳам жой олган. Энг муҳими, уларнинг барчасида битта мақсад, халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиш.

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари Агентлиги Жамоатчилиги ва ОАВ билан алоқалар бўлими**

## ТАДБИРКОРЛАРГА КўРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

БУГУН ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган юртдошларимизга тезкор, қулай шароитлар яратилмоқда. Энг асосийси, уларга давлатимиз томонидан қўллаб-қўллайиш ва имкониятлар берилаётгани фуқароларимизда ана шу хизматларга бўлган ишончни янада оширмоқда. Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтиши ва шу вақтнинг ўзиде бир неча банклардан ҳисобрақам очиши мумкин. Наманганлик Исмоилжон Деҳқонов қарийб 25 йилдан буён яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келади. Давлат хизматлари марказларида ишбилармонлар учун яратилган қулайликлар иш унумдорлигини ошириб, вақтимизни тежаяпти, дейди биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги фуқароларни рўйхатдан ўтказиш тизими соддалаштирилгани, айниқса, масофадан туриб бир вақтнинг ўзиде бир неча банклардан ҳисобрақам очиш йўлга

қўйилгани ижобий самара бераяпти. Зеро, бугунги кунда яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам онлайн тарзда банк ҳисобрақамини очиш имконига эга бўлдилар. Бунинг 2 та усули бор. Биринчиси, давлат хизматлари марказла-

рига ташриф буюрган ҳолда, иккинчиси электрон тарзда fo.birdarcha.uz сайти орқали. Ана шундай қулайликдан фойдаланиб, ўз фаолиятини олиб бораётган тўрақўрғонлик тадбиркорлардан бири Азизхон Акбаровдир.

2018 йилда Наманган вилоятида 13 792 нафар фуқаро тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, буларнинг 10855 нафари давлат хизматлари марказлари орқали, 2937 нафари эса fo.birdarcha.uz ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатдан ўтказилган. Шуларнинг 18 нафарини хорижий инвесторлар ташкил этади.

2019 йилда эса мазкур кўрсаткичлар 22762 нафарни ташкил этмоқда. Булардан 19097 нафари давлат хизматлари марказлари орқали, 3665 таси эса fo.birdarcha.

uz ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг 56 нафарини хорижий инвесторлар ташкил этади.

Албатта, давлат хизматлари марказлари томонидан йўлга қўйилаётган бу каби қулайликлар маҳаллий тадбиркорлар ва хорижлик сармоядорларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имкони ташкил бериб қолди.

**Дилмурод ИСМАИЛОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи

ТОЙЛОҚ туманининг Ўрай-Элипок маҳалласида туман Давлат хизматлари маркази ходимлари аҳолига сайёр тарзда давлат хизматлари кўрсатди.

Дастлаб марказ ходимлари Давлат хизматлари Агентлиги ва унинг қуйи тизимлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган турли соҳаларга доир 100 дан ортиқ давлат хизматлари ҳақида маълумот, шунингдек, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар хусусида маслаҳат ва тушунчалар беришди.

— Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашган, — дейди маҳалла оқсоқоли Мажид Исаев. — Шу боис ҳам давлат хизматлари билан боғлиқ масалаларда туманга боришга доим вақт тополмаймиз. Бугун Давлат хизматлари маркази мутахассисларининг маҳалламизга келиши барчамизни қувонтирди. Масалалар шу ернинг ўзиде ҳал бўлди. Муҳими, мазкур сайёр тадбир орқали маҳалладошларимизнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалди.

Шунингдек, сайёр тадбирда Ўрай-Элипок маҳалласига яқин Жалойир ва Чўбот маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам иштирок этди. Тадбир давомида 100 га яқин фуқарога ўндан ортиқ давлат хизмати кўрсатилди. 50 дан ортиқ фуқаронинг турли соҳаларга оид савол ва мурожаатларига жавоб ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси ахборот хизмати

## 30 ёшида туғилганлик гувоҳномаси олди


АНДИЖОН вилоят адлия бошқармаси бошлиғи А.Дадажоновнинг Балиқчи туманида ўтказган сайёр қабулида туманнинг Сиза МФИда яшовчи фуқаро О.Деҳқонова мурожаат қилган эди. У 1990 йилда Қирғизистон Республикасининг Ноокен туманида туғилган фарзанди Бобуржон Аъзамжон ўғлига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилмаганлиги сабабли ҳозирги вақтга шаҳсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд эмаслигини маълум қилди.

Юқоридаги мурожаат Балиқчи туман адлия бўлими томонидан қисқа муддатда ўрганиб чиқилиб, керакли ҳужжатлар тўплангандан сўнг, Бобуржон Аъзамжон ўғлининг туғилганлик факти ва вақтини тасдиқлаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Ушбу ариза асосида суд томонидан тайинланган ДНК текшируви бўйича ижобий хулоса олинди, 2019 йилнинг 17 август кунининг суднинг ҳал қилув қарори асосида Бобуржон Аъзамжон ўғлининг у ёки бу онадан туғилганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилди.

Балиқчи туман ФХДБ бўлими томонидан Бобуржон Аъзамжон ўғлига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилди. Ҳозирда унга фуқаролик паспорти расмийлаштириш бўйича ҳужжатлар туман ИИБга тақдим қилинган.

Фаррух КУНАБОВЕВ,  
Балиқчи туман адлия бўлими бошлиғи



ДАВЛАТ  
Хизматлари  
Агентлиги

ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИ  
ОЛИС  
ҚИШЛОҚЛАРДА



# "МАЙДА"

## КОРРУПЦИЯ

### КИЧИК КОРРУПЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАШИМИЗ УЧУН УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИКИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ:

Биринчидан, "майда" коррупция кам миқдорни ташкил этса-да, кўплаб кишилар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатади. Тасаввур қилиб кўрадиган бўлсак, беморларга тиббий ёрдам кўрсатганлик учун адолатли нарҳдан кўпроқ бўлган пул талаб қилишнинг ўзи муаммо ҳисобланади. Сабаби, бу турдаги коррупция натижасида кишиларни биринчи тиббий ёрдамга мурожаат қилиши кейинга қолиши, касалликларни кейинги босқичга ўтиб кетиши ёки бўлмаса шифокор ва бемор ўртасида ишончли муносабатни йўқолишига, яъни беморларда соғлиқни сақлаш ходимларининг касалларни даволаш эмас, балки пул ишлашдан иборат мазмундаги қарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Таълим тизимидаги мазкур турдаги коррупциялар натижасида жамият маълумотли, ўқимишли фуқароларидан махрум бўлади.

Иккинчидан, "майда" коррупциялар одатда регрессив кўринишга эга бўлиб, кам даромадли оилаларнинг ресурсларини ўзлаштириш орқали иқтисодий тенгсизликни кучайтиради. Сабаби "майда" коррупциялар учун белгиланган ставкалар кам таъминланган оилалар учун кўп миқдорни ташкил этиши эҳтимоли юқори. Ушбу ноқонуний "солиқ" кам таъминланган оилаларга зарур тиббий ҳамда таълим хизматларидан фойданишларини муайян даражада чеклайди.

Учинчидан, "майда" коррупция — бу фуқароларнинг бевосита кундалик ҳаётларида дуч келадиган коррупция тури бўлиб, асосан давлат хизматчилари томонидан содир этилади ҳамда фуқароларнинг давлат муассасаларига бўлган ишончини пасайтиради.

Тўртинчидан, "майда" коррупциялар кенг тарқалиши йирик коррупцияларни келтириб чиқариши мумкин. Яъни, коррупция муайян тармоқда уюштирилиб, унда пора олган ва унинг бир қисmini юқори турувчи амалдор берувчи мансабдор шахслар занжирга юзага келади.

### ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ КИМ?

Шу ўринда "майда" коррупцияларга қарши қаратилган қонунчилик мазмунини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Қонунчилигимизга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига мувофиқ қуйидагилар маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят сифатида тавсифланган:

• Пора олиш (Жиноят кодексининг 210-моддаси);

• Пора бериш (Жиноят кодексининг 211-моддаси);

• Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (Жиноят кодексининг 212-моддаси);

• Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг жиноят хизматчисини пора эвазига одғириб олиш (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193<sup>1</sup>-моддаси ва Жиноят кодексининг 213-моддаси);

• Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 193<sup>2</sup>-моддаси ва Жиноят кодексининг 214-моддаси);

• Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига одғириб олиш (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61<sup>1</sup>-моддаси ва Жиноят кодексининг 192<sup>10</sup>-моддаси);

• Тижоратда пора эвазига одғириб олиш (Жиноят кодексининг 192<sup>9</sup>-моддаси).

Улар орасида пора олиш жинояти мансабдор шахслар томонидан содир этилганлиги ёки пора мансабдор шахсларга берилганлиги факти ҳуқуқбузарликнинг жиноят сифатида тавсифланиши учун асос ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193<sup>1</sup> ва 193<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган пора олиш ва беришдан иборат бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти эса давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисидир. Мазкур моддаларда назарда тутилган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такрор содир этилган бўлса, Жиноят кодексининг 213 ва 214-моддаларида белгиланган жиноят жавобгарлик келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, пора олиш ва беришдан иборат маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир эт-

ган шахслар икки тоифага ажратилган:

Жиноят субъекти — давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси;

Маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти — давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси.

Кўриб турганимиздек, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахсларининг пора олиши ёки уларга пора бериш жиноят қонунчилиги билан жавобгарликка сабаб бўлади. Агар ҳуқуқбузарлик давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчилари томонидан содир этилган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

### ХИЗМАТЧИЛАР КЎПМИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР?

Юқорида "кичик" коррупциялар асосан давлат органларининг хизматчилари томонидан содир этилиши кўрсатиб ўтилган эди. Шу ўринда табиий савол туғилади: давлат органида, давлат иштирокидаги ташкилотда ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органида мансабдор шахслар кўпроқми ёки хизматчилар? Ёки бўлмаса, ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўллангандан кейин такрор содир этилганда, жиноят жавобгарликнинг белгиланиши мазкур ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига қанчалик таъсир кўрсатади? Худди шунингдек, мансабдор шахс ёки хизматчининг талаб қилиши мумкин бўлган пул миқдори ўртасида аниқ чегарани белгилай олаемизми?

**Маълумот ўрнида:** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан кўрилган ишлар статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, 2016 йилда ушбу Кодекс 193<sup>1</sup>-моддаси бўйича 13 та иш (30 нафар шахсга нисбатан), 193<sup>2</sup>-моддаси бўйича 89 та иш (112 нафар шахсга нисбатан) кўрилган. 2017 йилда эса 193<sup>1</sup>-модда бўйича 19 та иш (19 нафар шахсларга нисбатан), 193<sup>2</sup>-модда бўйича 28 та иш (37 нафар шахсга нисбатан) кўрилган. 2018 йилда 193<sup>1</sup>-моддаси бўйича 33 нафар шахсларга нисбатан 31 та иш кўрилган, 193<sup>2</sup>-моддаси бўйича 78 нафар шахсга нисбатан 73 та иш кўрилган.

Мазкур маълумотлар ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўпайиб борганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу статистика кўрсаткичлари бундан кўпроқ миқдорларни ҳам ташкил этиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Яъни бу турдаги ҳуқуқбузарликлар баъзи ҳолларда Жиноят кодексига белгиланган пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда) ёки фирибгарлик (168-модда) жиноятлари тар-

кибини бериб, мазкур моддалар бўйича квалификация қилинади.

### ХОРИЖДА КОРРУПЦИЯ БУ — ЖИНОЯТ

Хорижий давлатлар қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, пора олиш ва бериш, унда воситачилик қилиш каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик фақатгина жиноят қонунчилиги билан тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Германия, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Литва, Белорусь, Қозоғистон ва Украина каби давлатлар маъмурий қонунчилигига кўра, ушбу давлатларнинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексларида пора билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар кўзда тутилмаган. Мазкур давлатларда бу турдаги ҳуқуқбузарликлар жиноят қонунчилиги билан тартибга солинган. Хусусан, Германия Жиноят кодекси 351-бўлимида пора олганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, мансабдор шахснинг ўзи ёки учинчи шахс манфаатини кўзлаб ўз хизмат бурчини ва ўзига юклатилган махсус вазифаларни бажариши учун бирор нарса талаб қилиши, қабул қилиши 3 йилдан ошмаган муддатга қамоқ жазосига ёки жаримага тортилишга сабаб бўлади. Шунингдек, мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ, судья ёки ҳакамнинг ўзи ёки учинчи шахс манфаатини кўзлаб келажақда суд ҳужжатининг ижро этилиши фактини орқага қайтариш билан боғлиқ ҳаракатларни бажариши учун бирор нарса талаб қилиши, қабул қилиши ва уриниши 5 йилдан ошмаган муддатга қамоқ жазосига ёки жаримага тортилишга сабаб бўлади.

Германия Жиноят кодекси 351-моддасида "мансабдор шахс", деб белгилаб қўйилиши асосида ушбу Кодекснинг 11-моддасида улар тоифасига давлат хизматчилари киритилиши кўрсатиб ўтилган.

Худди шу тарзда Озарбайжон Жиноят кодекси 311-моддасида пора олганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланиб, "мансабдор шахслар" атамаси давлат ва маҳаллий ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан қўлланилиши ҳам назарда тутилган.

Шу ўринда қайд этиш кераки, аксарият хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида давлат хизматчилари билан боғлиқ жиноятлар "Давлат хизмати тўғрисида" ги қонуни билан боғлиқ равишда талқин этилган. Яъни, Жиноят кодекси нормалари давлат хизматчиларининг тоифаларини белгилашни "Давлат хизмати тўғрисида" ги қонунга ҳавола қилган. Жумладан, Литва Жиноят кодекси 368-моддасида кўзда тутилган пора олиш жинояти субъекти "Давлат хизмати тўғрисида" ги қонуннинг 6-моддасида назарда тутилган давлат хизматчилари тоифалари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, қонунчилигимизда

давлат хизматчилари мақомини белгиловчи қонун ҳужжатининг мавжуд эмаслиги бошқа қонунчилик соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бўшлиқлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

### ХУЛОСА ЎРНИДА...

"Майда" коррупция йирик коррупция каби долзарб масала сифатида қаралмас-да, бу оддий аҳолининг кундалик ҳаётига ва умуман, жамиятга салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида кишилар фаровонлигига зарар етказилади, тенгсизлик кучаяди, давлат институтлари фаолияти сустлашади ва коррупциянинг бошқа шакллари озиқлантиришга кўмаклашади.

**Майда коррупция ҳолатларига қарши курашиш мақсадида, қуйидагилар таъкид қилинади:**


1. Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашни кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан пора олиш ва беришдан иборат бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни қиқариб ташлаш ҳамда бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жиноят жавобгарлигини белгилаш лозим.
2. Жиноят кодексининг 210 ва 211-моддаларида назарда тутилган пора олиш ва бериш жиноятлари диспозициясига "давлат хизматчилари" тушунчаси киритилиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, яъни пора олиш ва беришнинг ижтимоий ҳавфлиги, берилган ёки олинган муқофотнинг (пулнинг) миқдори ёки бўлмаса етказилган зарарга қараб муқобил жазо чораларини белгилаш мақсадида мувофиқ.
3. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилганда қўлланиладиган жиноят жазонинг бир тури сифатида мажбурий жамоат ишлари белгиланиши лозим. Ушбу жазо тури жиноятчиларни тарбиялашга, масъулиятини оширишга қаратилганлиги сабабли коррупция жиноятлари санкцияларида назарда тутилиши ўринлидир.
4. Давлат хизмати тизимининг қурилиши ва ишлаш тамойиллари, давлат хизмати кадрлар таркибини шакллантириш, давлат хизматига кириш, уни ўташ ва тўхтатишга қўйилган асосий талаблар, давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиши назарда тутовчи давлат хизмати тўғрисида қонун қабул қилиш лозим.

**Адиба САФАРОВА,**

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сўбат тадқиқот институти масъул ходими**



## ЎҚИТУВЧИНИНГ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ



ШАЙХОНТОХУР туман адлия бўлими томонидан тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида соатбай дарс бериб келаётган бир қанча ўқитувчиларнинг соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилган бўлса-да, ўтилган дарс соатлари учун қайта ҳисоб-китоб қилиб берилмаётганлиги аниқланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қўшма қарорига мувофиқ, 2018 йил 1 ноябрдан ўқитувчиларга (агар улар профессор ёки доцент илмий даражасига эга бўлмасалар),

ўтилган соатлар учун қўшимча нарх билан қайтадан иш ҳақи ҳисобланиши керак эди.

Бироқ таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, тумандаги 31 та умумий ўрта таълим мактабларида ва касб-хунар коллежларида соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари оширилган бўлса-да, жами 70 дан ортқ ўқитувчиларга соатбай асосда дарс соатлари ўтганликлари учун иш ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилинмаган.

Туман адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномалар натижасида бугунги кунда таълим муассасасида ўриндошлик асосида ишлаб, соатбай дарс ўтиб келаётган ўқитувчиларнинг иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилинадиган бўлди.

Азимбой НУРИЛЛАЕВ,  
Шайхонтохур туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

## СПОРТ КОЛЛЕЖИДАГИ НОҚОНУНИЙ УШЛАНМАЛАР

АСАКА туман адлия бўлимига Асака спорт коллежи ходими У.А. мурожаат қилди. У ўз аризасида Асака спорт коллежи томонидан мунтазам равишда ойлик иш ҳақидан асоссиз электр энергия, солиқ ва бошқа ҳар хил тўловлар учун пул маблағлари ушлаб қолинаётганлиги сабабли бунинг қонунийлигини ўрганишни сўраган.

Туман адлия бўлими томонидан ушбу ҳолатни ўрганиш давомида ушланмалар ноқонуний эканлиги аниқланди. Қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан Асака спорт коллежига тақдимнома киритилди. Шунингдек, коллежнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун тўпланган ҳужжатлар Асака туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юборилди. Ҳолат марказ ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, қонунбузилишга йўл қўйган ходимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Шу муносабат билан, адлия органлари барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини, аввало, қонунларга итоатли бўлишга, қўл остидаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузмасликка чақиради, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиради.

Охунжон ТОЖИРАЛИЕВ,  
Асака туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

## САВДО ДЎКОНИ БУЗИЛДИ, КОМПЕНСАЦИЯ ҚАНИ..?



ФУҚАРОЛАРНИНГ ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш адлия органларининг энг асосий вазифаларидан биридир.

Тошкент вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ходими Л.Гафарованинг мурожаати ўрганилганда, ходимга ахборот коммуникация технологияларни ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилганлиги, бироқ бажарилган қўшимча ишлар учун ҳақ тўланмасдан келинганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузилиш ҳолати юзасидан адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилиб, бажарилган қўшимча ишлар учун Л.Гафаровага 16 миллион сўм маблағ тўланди.

Фуқаро А.Турсунқулованинг мурожаати ўрганилганда, Оққўрғон дехқон бозори худуди замонавий типда қайта қурилиши муносабати билан фуқарога тегишли савдо дўкони бузилганлиги, бироқ бузилган мулк учун компенсация тўланмаганлиги аниқланди. Қонун ҳужжатларида ҳар қандай кўчмас мулкни бузиш фақат унинг бозор қиймати қопланганидан кейин амалга оширилади, деб белгиланган бўлса-да, Оққўрғон туман ҳокимлиги ушбу талабларга риоя қилмаган. Шу сабабли бузилган мулк учун 31 миллион сўм компенсация ундириш юзасидан адлия бошқармаси томонидан ариза киритилиб, фуқаро А.Турсунқулованинг бузилган ҳуқуқлари судда тикланди.

Хушнуд КАРИМОВ,  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

### ИПАК ҚУРТИНИ БОҚҚАНГА МЕҲНАТ СТАЖИ ҲИСОБЛАНДИМИ?

— МЕН пилла етиштириш билан шугулланаман. Ипак қурти боқиб, пилла етиштирилганларга ҳам меҳнат стажи ҳисобланади дейишди. Шу тўғрисида маълумот беришингизин сўрайман.

Нурия ЭРГАШЕВА,  
Навбаҳор тумани

— Тўғри, амалдаги қонунчиликка асосан пилла етиштириш билан боғлиқ куйидаги ишларда тўлиқ бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши белгиланди:

- тут уруғи тайёрлаш;
- тут ниҳоллари ва тут қўчалари етиштириш;
- тут ипак қурти уруғларини инкубаторияларда жонлантириш;
- тут ипак қурти парваришлаш;
- тириж ва қуриқ пиллани саралаш;
- тириж пиллани қуриштириш;

— пиллани қўл кучи ёрдамида ташши;

— пилладан намуналар олиш (лабораторияда саралаш учун);

— уруғчилик корхоналарида капалакларни жинсларга ажраттиш;

— тут ипак қурти уруғларини микротаҳлилдан ўтказиш;

— тут ипак қурти уруғларига ишлов бериш;

— тут ипак қурти уруғларини қишлаш давридаги ишлар;

— тут ипак қурти уруғларини қадоқлаш ва ёрликлаш.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси маъсул ходими Озода ЖЎРАЕВА жавоб берди.

## “АДЛИЯ ТАДБИРКОРГА ДЎСТ”

АДЛИЯ вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхонаси билан ҳамкорликда “Адлия тадбиркорга дўст” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳар бир худуднинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мазкур лойиҳа ўтган қисқа давр мобайнида республикамизнинг олис худудларини ҳам

қамраб олганлиги билан муҳимдир. Жумладан, Зарафшон шаҳар адлия бўлими томонидан амалга оширилган ишлар кўлами янада кенгайди.


“Bahora qurilish kelajagi” хусусий корхонасига Зарафшон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим бўлими билан етказилган жами 123 миллион 215 минг сўм зарарни ундириш бўйича Зарафшон туманлараро иқтисодий судига 8 та даъво аризаси киритилди.

Даъво аризалар иқтисодий суд томонидан мазмунан кўриб чиқилиб, натижасига кўра, жавобгарлар Зарафшон шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим бўлими билан “Bahora qurilish kelajagi” хусусий корхонаси фойдасига жами 123 миллион 215 минг сўм етказилган зарарни ундириш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Ориф НАСИРОВ,  
Зарафшон шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси



БОШ прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси Фуқрат туман бўлимининг Чек-чувалдоқ қишлоққа бириктирилган давлат назоратчи хўзига бириктирилган ҳудудда хизмат вазифасини божариб юрганди. Шунда назоратчи фуқаро Элёржон Нишоновнинг хонадонига антиқа "удда-буронлик"ка дуч келди.



## Пинҳона уланган тармоқ охир-оқибат фош этилди

Яъни, Элёржон қўшниси Б.Жўраевнинг ҳеч қандай яшамайдиган ҳовлисида бўлган электр энергиясига қўзилмас даражадаги яширин йўл билан, электр симини ер остига қўйиб орқали уланган экан. У қуввати 1,8 киловаттлик бир дона сув насоси, 3 киловаттлик қўлбола электр жоди ва қуввати 2,2 киловаттлик қўлбола чархдан қонуний равишда фойдаланиб келгани аниқланди.

Аммо Э.Нишонов бу билан қаноатланмаган. Яъни, яшаш хонадонининг том қисмидаги газ ҳисоблагичга

ҳам визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан уланиб, ҳаммом ва миллий ўчоғидан фойдаланиб келган. Бу ҳаракатлари билан хонадон соҳиби Вазираал Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларини қўпол равишда бузиб, туман электр таъминоти корхонасига 27.922.500 сўм, "Водийгазтаъминот" УК Фуқрат туман филиалига эса 7.148.660 сўм жами 35.070.660 сўм миқдорда зарар етказган.

Ёки Мажбурий ижро бюросининг Учқўприк туман бўлими давлат инспектори Х.Ибрагимов туманнинг Фидокорлар кўчасида яшовчи Аъзамжон Дарвишевнинг хонадонига электр ҳисоблагичи қўздан кечирганда унинг кўрсаткичи 8097 киловатт бўлган. Шунда инспектор А.Дарвишевнинг рафиқасидан тўлов қвтанцияларни тақдим қилишини сўраган. Хонадон бекаси эса бунга жавобан тўлов қвтанциялари қаердалигини турмуш ўрғоти биллишини, лекин хўжайини уйда йўқлигини айтган. Орадан 2 кун ўтган, бюро вакили яна ўша хонадонга бориб электр ҳисоблагични кўрганда бор-йўғи 3 киловатт ёқилгани, кўрсаткич 8100 киловаттга етгани аён бўлган. Бу вақтда эса уй деворига ўрнатилган кондиционер ишлаб турганди. Шу боис

инспектор бундан шубҳаланиб, ҳисоблагичга уланган кириш тоқини узиб кўрган. Бироқ шунда ҳам хонадон чироқлари ва кондиционер ўчмай, ишлайверган. Бинобарин, Х.Ибрагимов бюронинг туман бўлими бошлиғига ҳабар қилиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган. Шундан сўнг қайта ҳисоб-китоб қилинганда Аъзамжоннинг туман электр таъминоти корхонасига 22.087.282 сўм миқдорда моддий зарар етказгани маълум бўлди.

Албатта, ҳар иккала ҳолат бўйича ҳам айбдорларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилиб, суд томонидан қонуний жазо тайинланди. Аммо судланувчиларнинг табиий ресурсларимиздан ўғринча фойдаланиб, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказгани афсусланарли. Шунга қарамай, улар айбларини тан олиш ўрнига жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят судига апелляция шикоятини беришди.

Апелляция инстанциясида биринчи босқич судлари томонидан судланувчиларга қонуний жазо тайинлангани ўз тасдиғини топди. Шу боис суд ҳукмлари ўзгартиришсиз қолдирилди.

**Тўғрунали МИРЗАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
**Фаргона вилоят суди судьяси,**  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири



ган ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига бефарқлиги, яъни тарбиядаги хато ва бўшлиқлар туфайли ёшлар жиноят кўчасига кириб қолмоқда.

Утган йили 21 декабрь куни соат 22:30 ларда Учтепа туманида вояга етмаганлар ўртасида нохуш воқеа содир бўлди. Арзимас гап-сўздан чиққан жанжал мушталашув билан бошланиб, пичоқбозлик билан якунланди. Аввалига ўзаро тортишув Умар ва Нурбек (исмлар ўзгартирилган) ўртасида бошланса-да, кейинчалик жанжалга атрофдагилар ҳам аралашиб, катта тус олди ҳамда Нурбекнинг акаси Жонибекнинг тан жароҳати олиши билан якунланди.

Куча бошида ўртоқлари билан суҳбатлашиб турган Жонибек укасининг атрофидаги 3-4 болани кўриб дарҳол етиб келди ва қўлидаги таёқ билан Умарга ташланди. Бундан ғазаби кўзиган Умар жаҳл устида Жонибекка пичоқ санчди. Ўз вақтида кўрсатилган ёрдам туфайли Жонибекнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Суд томонидан Умарга тегишли жазо тайинланди. Халқимизда шохига урсанг томири зирқирайди, деган нақл бежизга айтилмаган. Уйламай босилган қадам, айтилган сўз, ноқўя хатти-ҳаракат туфайли ҳар икки томоннинг оиласи ҳам ўз тинчлини йўқоти, албатта.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, жиноятнинг туб илдиэлари тахлил этилди, жазо муқаррарлиги таъминланди. Шу билан муаммо бутунлай барҳам топадими? Йўқ. Атрофдагиларнинг бу каби ҳодисалардан тегишли хулоса чиқариб олиши, хўшёрликни янада кучайтириш, тушунтириш-тарғибот ишлар қўламини кенгайтириш орқали батамом мақсадга эришиш мумкин. Энг муҳими, жиноят ёқасида турган, нотўғри қадам босаётган ўсмирга тўғри йўл кўрсатиш

лозим. Акс ҳолда бу каби жиноятлар ҳақида тез-тез қуллоққа чалинаверади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 66 нафар вояга етмаганга нисбатан 52 та жиноят иши кўриб чиқилган. Гарчанд ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 30,7 фоизга камайган бўлса-да, бу ҳали тушунтириш тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Тахлиллар 8 нафар муқаддам судланган вояга етмаган шахслар қайта жиноятга қўл урганини кўрсатади. Судланган вояга етмаганларнинг 12 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 34 нафарига жарима ва бошқа турдаги жазолар тайинланган. 6 нафари шартли ҳукм қилинган, 14 нафари эса жазодан ёки жавобгарликдан озод қилинган. Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига турли омиллар ва сабаблар келтириб ўтилган бўлса-да, барчаси ягона нуқтага бориб тақалади.

Яъни бебошлик, назоратсизлик, ўзбошимчилик.

Модомки, ёшларнинг дарду ташвиши, ўй-хаёллари билан қизиқмас, уларга том маънода дўстона муносабатда бўлмас эканмиз, бу каби нохуш ҳолатлар давом этаверади. Фарзандларга ўрни келганда, меҳрибон ота-она, сирдош дўст, қаттиққўл тарбиячи бўлсак, уларнинг кўнглига йўл топа олам, орзу-интилишлари рўёби учун қўмақлашсақ ижобий натижага эришиш мумкин. Бинобарин, фарзанд тарбияси бир умр давом этадиган жараёндир.

**Азизжон ЖўРАЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судья катта ёрдамчиси,  
3-даражали юрист

## ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Миробод туман ҳокимият ҳузурдаги тадбиркорлик субьектларини рўйқатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.02.2007 йилда 2833-10 реестр рақами билан давлат рўйқатидан ўтган "ПРОМАКРАУТОМАТИКА" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР: 206 842 098) талисмонларининг 2019 йил 5 ноябрдаги 2-сонли йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (90) 185-47-42.  
(91) 162-62-65.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 20.03.2019 йилда 701668 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 3-уйда давлат рўйқатидан ўтган "OPTOM ONLINE MARKET" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 255 556) талисмонларининг 2019 йил 4 ноябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (99) 804-51-51.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 08.01.2018 йилда 562910 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 12а-уй давлат рўйқатидан ўтган "CITYLINK" хусусий корхонаси (СТПР: 305 200 450) талисмонларининг 2019 йил 4 ноябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (99) 803-11-55.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субьектларини рўйқатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 26.08.2016 йилда 008482-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 18-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "ENJOY DRINK" хусусий корхонаси (СТПР: 304 278 046) талисмонларининг 2019 йил 8 ноябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (90) 356-83-80.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 15.11.2018 йилда 650134 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Янги Кўйлик кўчаси, 28-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "ABC AUTOCENTR" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 856 434) талисмонларининг 2019 йил 7 ноябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (99) 883-10-01.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2019 йилда 678700 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Янги Кўйлик кўчаси, 28-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "OSIYO IM PAIR" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 143 656) талисмонларининг 2019 йил 29 октябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (93) 183-10-03.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Ходжаев Мирзаали Абдураҳмоновичга 2018 йил 24 декабрда берилган NA 000012-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақида берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик маъмури тугатилди.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақида адвокатлик маъмури тугатилди.  
Тел.: (99) 883-10-02.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 14.02.2019 йилда 687401 рўйқат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 71-уй манзилда давлат рўйқатидан ўтган "OSIYO IM PAIR" маъсулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 143 656) талисмонларининг 2019 йил 29 октябрдаги йилгилик қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.  
Тел.: (93) 183-10-03.

**ИНСОН ҚОНУН**  
2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйқатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАСИРЛИГИ

www.minjust.uz

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқуллов Албар Жўрабеович  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тоқиев Фуқрат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
қўламақал тақрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайд.

**Навбатчи**  
Фарида Қорақуллова

**Саҳифаловчи-  
дизайнер**  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137  
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюмда чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоуси келишилган нархда

1 2 3 4 5



## Тилимизни ТАНАЗЗУЛДАН АСРАЙЛИК!

ЎҚИТУВЧИМАН. Мактабда инглиз тилидан дарс ўтман. Газетангизнинг деярли ҳар бир санини ўқиб бораман. Тил ўрганишга бўлган иштиёқим ёки ўз тилимизга бўлган ҳурматданми ёхуд ўтган сонларда газетангизда чоп этилган Фарида Қорақуллованинг "Тилини ҳимоя қилган ўз Ватанини ҳимоя қилади" мақоласидан таъсириланганим, таҳририятингизга ўз муносабатим битилган мактубни йўллашга қарор қилдим. Очиги, миллийлигимиз, тилимиз фидойиларига ҳурматим баланд. Чунки мақолада муаллиф таъкидлаганидек, "ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда кўз очиб, эшитадиган энг ширин, энг эзгу калом она аллеси ўз тилимизда янграйди. Шу тил орқали ҳаётий зарур бўлган билим ва тушунчалар онг шууримизга сингади, инсоний фазилатлар, одохлак меъёрлари, тафаккуримиз тил воситасида шаклланади, жонланади".



Инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи восита ҳам тил ва тафаккурдир.

Мақола мени оҳанрабодек ўзига тортди. Тилга бўлган муносабат оқсаётгани, унга бўлган ҳурмат йўқолаётгани мени ташвишга соларди. Мақолада ўқиб, амин бўлдимки, мен каби хавотирда бўлган инсонлар бор экан. Ва шу фидойи инсонлар туфайли тилимиз яшайди, яшаб келмоқда.

Кўча-кўйда айрим ёшларнинг она тилимизга ёт тилни аралаштириб суҳбатлашини меннинг ҳам газабимни оширади. Ёки турли реклама, эълонларнинг ўз тилимиз қолиб, хориж номларида ёзилиши ҳам кўнглимга ботмайди.

Тўғри, мен инглиз тили ўқитувчисиман. Ўқувчиларим инглиз тилида яхши гапиришини истайман. Аммо мен, аввало, ҳар бир ўқувчининг ўз тилини мукамал билишини, уни ҳурмат қилишини истайман. Чунки ўзини ҳурмат қилган инсонларгина бошқаларни ҳам ҳурмат қила олади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган чаласавод ўқитувчининг болаларга рус тилидан дарс бераётган лавҳа жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. "Қто тебя зовут?" ўқитувчининг ўзига ишонган кўйи бераётган саволига болалар мағрур туриб жавоб беришарди. Ахир, ўқитувчининг ўзида савод бўлмаса, у қандай сабаб бериши мумкин? Болаларимиз қаерга, кимга эргашаяпти? Наҳот, уларнинг тақдирига шунчалик бефарқ бўлсак? Энг ёмони, ота-оналарнинг ўзлари бу видеони тасвирга тушириб ўтирибди, наҳот биронтасидан нотўғри билим бераяпсиз, деган эътироз чиқмаган бўлса?! Узи тарбияга, билимга муҳтож ўқитувчидан қандай таълим олиш мумкин?!

Муаллиф кўнчаклик билан кўтарган муаммолар, мақоладаги ҳар бир сатрлар ўрганишга арзийди. Бу нафақат ўқитувчилар учун қўлланма, балки ўқувчилар учун ҳам фойдали манба. Мақолада масалага ёндашувда — нима бўлганда, нима бўлади ва нима қилиш керак, деган барча саволларга жавоб олдим. Тилни асрайлик, тилга муносабатни ўзгартирайлик, тўғри гапиришни ўрганайлик, деб маъруза қилгандан кўра, мустақил дарс соатларида мазкур мақолани ўқиб, уни таҳлил қилиш кўпроқ фойдалироқ бўларди, назаримда.

Сарвиноз ҒАФУРОВА,  
Шаҳрисабз шаҳридаги 18-сонли умумий ўрта таълим  
мактаби I-тоифали ўқитувчиси

ҲАЁТ инсон учун берилган бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир кунидан миннатдор бўлиб яшаш, ҳар сониянинг ҳам қадрига етиш керак. Айниқса, кунларимизни яхшиликка бағишласак, эзгулик улашиб яшасак уни мазмунли ўтказган бўлаемиз.



## ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН РАНГЛАРИ КЎП уни кўра билиш учун буюк қалб керак

Хабарингиз бор, Адлия вазирлиги ташаббуси билан жуда кўп эзгу тadbирлар амалга оширилмоқда. Адлия ходимлари яхшиликка хизмат қилишга астойдил бел боғлаган. Ва бунинг улдасидан чиқяпти ҳам.

Кўни кеча Ёшлар ижод саройида расм чизиш бўйича "Мафтункор ранглар жилоси" республика кўрик танловининг ташкил этилгани вазирлиқнинг энг катта ташаббусларидан бири бўлди.

Мен тadbир тафсилотларига тўхталмоқчи эмасман, аммо тadbирдан олган таассуротларимни айтишни жоиз деб билдим.

7 ёшдан 17 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар. Улар мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятдан келган. Тенгдошларидан фикрлашда, зукколикда бир поғона устун бўлса борки, камми йўқ бу болалар чизган суратларни кўриб, кўзингиз қувонади. Наҳотки, шу ижод намуналарини улар яратган бўлса, деб ўйлайсиз. Бу ёрқин ранглар, улардаги ўзаро уйғунлик, мавзу танлаш, атрофдагиларга ўз хаёлларини англайдиган даражада аниқ тасвирлаш — бу бўладиган болаларга хос фазилат. Мен танловда ана шундай мўъжизанинг гувоҳи бўлдим. Болалардаги иқтидорни, ҳаётга бўлган интилишни кўриб ҳавасим келди. Улар Оллоҳ узрлик қилиб яратгани учун нолимайдилар, табиат имкониятини чеклаганидан руҳий тушунликка тушмайдилар. Балки айрим қўл-оёғи бут бўла туриб ҳаётдан нолийдиган, ношукрларга дунёда ёрқин ранглар борлигини англашиб, аслида инсонлар қандай яшаши кераклигини, аввало, ўзини англаши кераклигини ўргатдилар.

Ўзини англаш нима дегани?! Бу ҳаётда ўзининг ўрнини топиш, фаҳимча, дунёда фақат ўзи бажариши лозим бўлган амаллар борлигини ҳис этиш ва ана шу вазифаларни топа билиш ҳамда бажариш дегани. Бу мурғак қалб

соҳиблари наздимда энг муҳим ишнинг — уларга белгилаб берилган вазифанинг улдасидан чиқишган. Қандай йўл билан эканлиги муҳим эмас, рангасвир асарларини бармоқлари билан чизадими, имкони бўлмаса лаблари орасига мўйқалам қистириб чизадими, оёқлари биланми, фарқи йўқ. Муҳими, улар бу ёруғ оламда ўзлари қилиши керак бўлган ишни аъло даражада амалга оширмоқдалар. Расмларга қараб туриб англайсизки, уларнинг жисмонан имконияти чеклангани ҳеч нимани англамас экан. Ҳеч нарса, ҳеч қандай вазият улар яратган мўъжизани инкор эта олмайди. Аслида уларни имконияти чекланган деб атаб ҳам бўлмайди. Имконияти чекланган боза ҳаёт нафаси уфуриб турган, турфа ранглар сеҳри жилваланган, оқ ва қора ракурслар ажралиб турган шундай асарларни ярата олармиди?

Бу ижод лавҳалари равшан кўз билан бўлмаса, пок қалб билан, соғлом бармоқлар билан бўлмаса тиниқ тафаккур билан яратилган. Қалб шунинг ҳис этасиз.

Танловда ҳамма биринчи ўринни эгаллади. Чунки болалар чизган суратлар ҳақиқатан ҳам бетакрор эди. Улар биринчи ўринга лойиқ иш бажаришди ҳам.

Назаримда болалар чизган расмлари берган куч ва ишонч билан ҳаётнинг турли синовларидан енгилмасдан ўтиб келаяптилар. Оддий қилиб айтганда, танлов баҳона улар ўзларни имконияти чекланган эмас, балки чексиз имкониятлар эгаси эканлигини англадилар.

Бу болаларнинг тасавури кенг, нигоҳлари теран. Энг муҳими шу!

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,  
Адлия вазирлиги  
Фахрийлар кенгаши раиси

## ОИЛА, МАҲАЛЛА, ДАВЛАТ БУ ТУШУНЧАЛАР БИР- БИРИДАН АЙРО ЭМАС

МАҲАЛЛА. Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимизга киндик қонимиз тўкилган гўша, ўзимиз яшайтган маскан, боринги, майдони хиҳатидан унчалик катта бўлмаган аммо инсон камолоти йўлида муҳим тарбия ўчоғи кўз ўнгимизда гавдаланади. Истиқлол йилларида маҳаллаларимизни янада обод қилиш, унинг фуқаролар ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинининг жорий қилиниши маҳаллаларимизнинг чирой очиб янада обод бўлишига, фуқароларимизнинг бирдамлигини таъминлашга хизмат қилди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугун маҳалла фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилган ишлар ушбу тузилманинг буй-бастини кўрсатмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг учунчи чорагида пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган Биллур маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишларни мисол тарикасида келтирадиган бўлсак, юқорида айтганларимизга исбот бўла олади. Хусусан, ушбу маҳалла ҳудудидаги бир қанча майдонлар ободонлаштирилди, чет элга чиқиб кетган фуқароларнинг оила аъзолари билан "соғинч" лойиҳаси асосида суҳбат ўтказилиб, уларнинг айримларига



дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари иштирокида маҳалладаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича семинар ташкиллаштирилди.

Шунингдек, Виртуал қабулхонага келиб тушган шикоят ва аризалар бўйича фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилиниб, унда кўтарилган муаммолар жойига чиқиб ўрганилди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари иштирокида қарздорликларни ундириш бўйича аҳоли ўртасида ва бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлган одам савдосига қарши курашиш борасида ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 30 таси саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Яна 10 тасига эса 500 минг сўмдан пул маблағи ажратилди.

Шуни ҳам айтиш керак-ки, ажрашиш ёқасигача келиб қолган ёш оилалар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг оиласи сақлаб қолинди, алимент борасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилиб, қарздорликлар бартараф қилинди.

Албатта, маҳалланинг ободлиги, тинчлиги аввало, у ерда истиқомат қилаётган фуқароларга, қолаверса, ўша маҳалла раисига бориб тақалади. Ахатила Раҳматов Биллур маҳалласига бешинчи бор маҳалла раиси сифатида сайланиб самарали фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, жорий йилда Биллур маҳалласи бешта муҳим ташаббус кўрсаткичи бўйича пойтахтимиздаги 514 та маҳалла ичида 5-ўринни, тумандаги 63 та маҳалла ичида эса 4-ўринни эгаллади. Бунда албатта маҳалла раисининг меҳнатини эътироф этмаслик мумкин эмас. Шунингдек, маҳалла раисининг кўмаги билан мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож Гулмира Турғуновага Сергели туманидан уч хонали квартира олишига ҳам эришилди.

Хуллас, қилган ишининг сони эмас, салмоғи бўлсин, деганларидек юқорида тилга олган маҳалланинг амалга ошираётган ишларининг салмоғи ортмоқда. Албатта, бу борада Биллур маҳалла фуқаролар йиғинига Тошкент шаҳар ҳукумати муҳофиза қилувчи органлар ҳам камарбаста бўлмоқда.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,  
"Инсон ва қонун" муҳбири